

ЎУК 636.2.034

II ЛАКТАЦИЯДАГИ СИГИРЛАРНИНГ СУТДОРЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ

Рўзибоев Нураддин Рахимович қ.-х.ф.д., профессор

Сарсенбаев Қуўатбай Камалбаевич

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали таянч докторант

Аннотация. Мақолада турли сақлаш шароитларида монбельярд зотли сигирларнинг II лактациясидаги сутдорлик коэффицентлари келтирилади. Тадқиқотларда боғламасдан сақланган монбельярд зотли сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига ишлаб чиқарилган 4%-ли сут миқдори эса 970,1 кг га тенг бўлиб, назорат гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 96,4 кг ёки 11,0% га ($P>0,999$) юқори бўлганлиги аниқланди. Боғламасдан сақланган монбельярд зотли сигирларнинг сутдорлик коэффицентлари ва ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига ишлаб чиқарган 4%-ли сут миқдори, боғлаб боқилган назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан юқорилиги билан тавсифландилар.

Аннотация. В статье приведены коэффиценты молочности во II лактации коров породы монбельярд при различных условиях содержания. Исследования показали, что коровы породы монбельярд, содержащиеся без привязи, имели надой молока на 4% - 970,1 кг на 100 кг живого веса, что на 96,4 кг или 11,0% выше, чем у коров контрольной группы привязи. Коровы породы монбельярд, содержащиеся без привязи, отличались высоким удоем в 4%, который они давали за счет суточного веса на каждые 100 кг, по сравнению с их собратьями из контрольной группы, которых разводили путем привязи.

Калитли сўзлар: зот, монбельярд, сигир, лактация, тирик вазни, озука, сут, ёғ, оксил.

Ключевые слово; порода, монбельярд, корова, лактация, живой вес, корма, молоко, жир, белка.

Мавзунинг долзарблиги. Қорамолчилиги ривожланган Мустақил Ҳамдўстлик давлатларида тез етилувчан сут ва гўшт маҳсулдорлиги бўйича юқори ирсий имкониятларга эга монбельярд зотли қорамолларни урчитиб кўпайтиришга ва уларнинг селекциясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Монбельярд зотли қорамоллар сут ва гўшт маҳсулдорлигини, сут ёғи ва оксили чиқими, сутдорлик коэффицентининг юқорилиги, конституция ва экстерьер, озуқани маҳсулот билан қоплаш хусусиятларининг ҳамда сўйим чиқимининг

юқорилиги билан бошқа қорамол зотларидан ажралиб туради. Ҳозирги кунда аҳолини сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда, ушбу йўналишдаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1,2,3].

Тадқиқотларида сигирларни боғловсиз усулда сақлаш ва тўла қийматли озиклантириш шароити уларни юқори сут маҳсулдорлиги билан бирга маҳаллий шароитга мослашиш хусусиятларини ҳам яхшилашини таъминлаган. Монбельярд отли қорамоллар ноқулай иқлим ва озуқа шароитларига чидамлилигини сақлаб қолиб, чўл ҳудудларидаги қизил-ола қорамолларнинг турига узоқ қариндош бўлиб, юқори гўшт ва сут маҳсулдорлиги билан машҳурдир, ушбу зот кўш маҳсулдор зотлар гуруҳига киради. Монбельярд зотли сигирларнинг хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириб, уларнинг наслилик қийматини аниқлаш ва баҳолаш орқали сутбоп подалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, уларнинг сутдорлик коэффициенти асосий сут маҳсулдорлигини белгилайдиган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади [4,5,6].

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикасида турли сақлаш шароитларида монбельярд зотли сигирларнинг сутдорлик коэффицентларини аниқлаш.

Тадқиқот ўтказиш жойи ва усуллари. Тадқиқотлар 2023-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани “Qoniratbay mexri” наслчилик фермер хўжалигидаги монбельярд зотли сигирларда ўтказилади. Тадқиқотларда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сутдорлик коэффициенти зоотехнияда умумий қабул қилинган усулларда ўрганилди. Маълумотларининг аниқлиги ва ишончлиги spss (Statistical Paskage for Social Science) компьютер дастури асосида таҳлил қилинди.

Тажриба учун ўхшашлик белгилари бўйича келиб чиқиши, зотдорлиги, ёши, тирик вазни, оналарининг сут маҳсулдорлиги, оталарининг зотини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 12 бошдан иборат 2 та гуруҳ II лактациядаги монбельярд зотли сигирлар танлаб олинди. I гуруҳдаги сигирлар боғлаб ва II гуруҳдаги сигирлар эса боғламасдан сақланди.

Тадқиқот натижалари. Юқори сут маҳсулдорлигига эга монбельярд зотли сигирларнинг хўжаликда фойдаланиш муддатлари ҳам юқори даражада бўлади. Тадқиқотларимизда турли сақлаш шароитларида монбельярд зотли сигирларнинг сутдорлик коэффицентлари ўрганилди, унинг натижалари 1-жадвалда келтирилади.

Сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига сут маҳсулдорлигини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганиш, улардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда муҳим амалий аҳамият касб этади. Биз турли сақлаш шароитларида сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига ишлаб чиқарган сут маҳсулдорлиги

кўрсаткичларини ўргандик, унинг натижалари 1- жадвалда ўз аксини топган.

1-жадвал

Сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига сут маҳсулдорлик кўрсаткичларининг чиқими

Кўрсаткичлари	Гуруҳ, (n=12)	
	I	II
	Технологияси	
	Боғлаб сақлаш	Боғламасдан сақлаш
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$
Тирик вазни, кг	569,6±14,22	552,4±13,05
Жами соғиб олинган сут миқдори, кг	4891,0±29,31	5345,2±30,05***
Сутдорлик коэффиценти, кг	858,7±9,05	967,6±7,45**
Ҳар 100 кг тирик вазнга ишлаб чиқарилди:		
4%-ли сут, кг	873,7±11,02	970,1±9,62***
Сутдаги ёғ чиқими, кг	35,0±0,53	38,8±0,51
Сутдаги оқсил чиқими, кг	30,9±0,81	34,2±0,90

Изоҳ: **P>0,99; ***P>0,999

1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, II лактациядаги сигирларнинг боғламасдан сақланган II гуруҳдаги тирик вазни 552,4 кг га тенг бўлиб, I гуруҳдаги боғлаб сақланган тенгқурларига нисбатан 17,2 кг га ёки 3,1% га (P>0,99) паст тирик вазнга эга бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотларда юқори тирик вазнга эга бўлган сигирлар юқори сут маҳсулдорлиги билан бирга, ҳар 100 кг тирик вазнга яхши даражада маҳсулот ҳам ишлаб чиқариш юқори бўлганлиги аниқланди. Масалан, II гуруҳдаги сигирларнинг сутдорлик коэффиценти 967,6 кг га тенг бўлиб, бу кўрсаткич I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан ҳар 100 кг тирик вазнига 108,9 кг ёки 12,7% га (P>0,99) кўп сут ишлаб чиқилганлиги аниқланди.

Хулоса. Тадқиқотларда II гуруҳдаги боғламасдан сақланган монбельярд зотли сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига ишлаб чиқарилган 4%-ли сут миқдори эса 970,1 кг га тенг бўлиб, I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 96,4 кг ёки 11,0% га (P>0,999) юқори бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, II гуруҳдаги сигирлар сутининг ҳар 100 кг тирик вазнга ишлаб чиқарилган сутдаги ёғ чиқими 38,8 кг, сут оқсил чиқими 34,2 кг га тенг бўлиб, I гуруҳдаги тенгқурларига

нисбатан тегишли равишда 3,8 кг (10,8%) ва 3,3 кг га (10,6%) кўп бўлганлиги аниқланди. Тажриба гуруҳларидаги боғламасдан сақланган монбельярд зотли сигирларнинг сутдорлик коэффициенти ва ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига ишлаб чиқарган 4%-ли сут миқдори, боғлаб боқилган назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алибаев Н.Б. Молочная продуктивность коров симментальской породы разной селекции // Известия Оренбургского ГАУ. – 2013. - №6(44). – С. 102-103.
2. Аширов М.И., Рўзибоев Н.Р. Продуктивные качества коров в зависимости от живой массы при первом отеле. Ж. Зоотехния. Москва. -2013, -№11, С. 4-5.
3. Вильвер Д.С., Вильвер А.С. Влияние течения лактации сезона отела на молочную продуктивность коров. Россия. Уральская государственная академия ветеринарной медицины. “Разработка и внедрение новых технологий получения и переработки продукции животноводства”. 20.03.2015.с. 34-37
4. Востроилов А.В., Елисеев В.А. Молочная продуктивность животных породы монбельярд импортного происхождения. //Воронежский агровестник, 2016 г. №9 (162) с. 35-37.
5. Мадрахимов Ш.Н., Рўзибоев Н.Р. Саноат асосида чатиштиришдан олинган F1 дурагай авлодларининг ўсиш курсаткичлари. 2022. Ж.“Chorvachilik va naslchilik ishi 4, 26.
6. Kazakova S, Roziboyev N. [Exterior of cows with different body structures](#). 2022. Development and innovations in science 1 (13), 14-17.